



## ОДАМ ЁЛИМИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР БЎЙИЧА ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Муаллиф: Очилова Муяссар Атамурод қизи*  
*Жисмоний ва Жанговор тайёргарлик кафедраси катта ўқитувчиси:*  
*подполковник Дўстмуродов Умид*

**Калит сўзлар:** одам ўлдириш , кучли тасир этувчи воситалар, тергов қилиш медотикаси, соғлиқнинг ёмонлашуви, ўлим, килиник ўлим

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мавзусининг долзарблиги, дастлабки тергов ва суриштирув фаолиятини амалга оширувчи орган субъектларида одам ўлими билан боғлиқ жиноятларда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш бўйича фаолиятини ташкил этиш тушунчаси, турлари, бугунги кундаги ҳолати ҳамда дастлабки тергов ва суриштирув фаолиятини амалга оширувчи орган субъектларида одам ўлими билан боғлиқ жиноятларда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш бўйича фаолиятини амалга оширишнинг узига хос хусусиятлари.

### ANNOTATION

In this graduation thesis, the relevance of the research topic, the concept, types, and current situation of the organization of activities for the examination of the scene of crimes involving the death of a person in the subjects of the body that performs the preliminary investigation and inquiry activities, and the person in the subjects of the body that performs the preliminary investigation and inquiry activities specific features of carrying out activities on examining the place of the incident in crimes related to death.

Одам ўлими билан боғлиқ жиноятларда ҳам ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш бошқа жиноятлардаги ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда қўлланиладиган тактик усулларга жуда ўхшаш, шунингдек ўзига хос мураккабликларга эга.

Одам ўлими билан боғлиқ жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

- Ҳодисанинг умумий ҳолатини ўрганиш ва ҳодисанинг натижаларини ҳисобга олиш;



- Ходиса тўхрисидаги излар ва бошқа ахборот манбалариникидириш, уларни кайд этиш, олиб қўйиш, дастлабки тадқиқ қилиш, баҳо бериш вака сақлаб қўйиш;
- Ходиса унинг қатнашчилари тўғрисида барча фактик маълумотларни йиғиш, уларни тадқиқ қилиш, ходиса унинг қатнашчилари ҳақида тўғри маълумотга эга бўлиш ҳамда шу асосида зарур тусмолларни ишлаб чиқиш ва тергов йўналишини белгилаш;
- Жиноятнинг “иссиқ изидан” очиш бўйича тезкор-қидирув ва тергов ҳаракатларини олиб бориш учун маълумотларни тўплаш;
- Ходисанинг сабабий оқибатларини ўрганиш (агарда бундай оқибатлар мавжуд бўлса) ва бошқалар.

Криминалистикада ходиса содир бўлган жой билан жиноят содир бўлган жойнинг ўзига хос фарқлари мавжуд. **Ходиса содир бўлган жой**-бу маълум очик жой ёки хонадон бўлиб, айнан ўша жойда жиноят аломатлари ёки излари топилган деб ҳисобланади. **Жиноят содир бўлган жой** деб эса айнан жиноятнинг ўзи содир бўлган жойдир.

Одам ўлими билан боғлиқ жиноятлар бўйича ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш катта ҳажмли мураккаб бирламчи тергов ҳаракатидир. Унинг мураккаблиги объектларининг кўплиги ва вақтнинг тиғизлиги билан бошқа тергов ҳаракатларидан алоҳида ажралиб туради. Ходиса содир бўлган жойда бўлган шароитларнинг метеорологик омилларга кўра ўзгариши, айрим объектларнинг хусусиятлари, одамларнинг атайлаб ёки эҳтиётсизлиги оқибатида ўзгариши, шунингдек иш фаолиятининг ўзунлиги ҳамда чигал вазиятларда катта руҳий эзилиш ва шу кабилар билан белгиланади.

Ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тактикаси **учта** асосий элементдан, яъни жиноят содир бўлган жойни кўздан кечириш учун тайёргарлик кўриш, кўздан кечириш (ишчи босқич) ва якунловчи босқичдан таркиб топган.

Ходиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг натижали бўлиши унга тайёргарлик кўришнинг пухталигидан келибчиқади. Шу сабабли ҳам тайёргарлик кўриш босқичининг ўзи ҳам алоҳида иккита босқичга бўлинади:

- 1) Ходиса содир бўлган жойга чикмасдан туриб тайёргарлик кўриш;
- 2) Ходиса содир бўлган жойга чикқандан сўнг тайёргарлик кўриш.

Терговчи ходиса тўғрисида хабар олгач, ходиса содир бўлган жойга чиқишдан аввал тергов-тезкор гуруҳи йиғилади, у илмий-техник воситалар, алоқа воситалари ва транспорт билан таъминланади.



Амалиётда ички ишлар органлари вапрокуратура терговчилари, мутахассис-криминалистлари, жиноят-қидирув хизмати вакиллари, суд-тиббиётчилари ва киноликлар биргаликда навбатчилик қилишади. Ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларида тергов-тезкор гуруҳининг ҳодиса содир бўлган жойда қандай ҳаракатларни амалга оширишлари кераклиги тўғрисида йўриқнома мавжуд.

Навбатчилик қисми ходими ҳодиса тўғрисида хабарни қабул қилиб олгандан сўнг қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши зарур:

- ❖ хабар берган шахснинг ўзи ким, ҳодиса қаерда содир бўлган ва қандай ҳаракатлар содир этилган, бу ҳаракатларни ким содир этган ёки ким содир этиши мумкин, ўша ҳаракатни содир этган шахснинг ташқи белгилари ва у қаерга қочиб кетганлигини қайд этиш;
- ❖ ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш кечиктириб бўлмас тергов ҳаракати сифатида барча ҳолларда, агар изларнинг аниқланишига, тадқиқ этилишига ва сакланишига доир зудлик билан чора қабул қилиш лозим бўлса, жиноят аломатларини қайд қилиш мақсадида ўтказилади.
- ❖ ҳодиса содир бўлган жойга зудлик билан тергов-тезкор гуруҳини жўнатади, худуд профилактика инспекторини жиноят содир бўлган жойга юборди ёки унга бу ҳақида хабар қилади. Айрим ҳолларда ўзининг ёрдамчисини жиноят содир бўлган жойга юбориб, бошқа жиноятлар содир этилишига қарши чоралар кўради, ҳодиса содир бўлган жойни қўриқлаш тадбирларини белгилайди;
- ❖ бошқа ички ишлар органларини ҳодиса тўғрисида хабардор қилиб, уларга жиноятчиларнинг ташқи қиёфалари, улар олиб кетган буюмлар ва транспорт воситаларининг белгилари тўғрисида ва жиноятга алоқадор бошқа маълумотни беради, уларни ушлаб олиш мақсадида ҳодиса жойига ва жиноятчиларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли бўлган жойларга қидирув гуруҳларини юборди;
- ❖ тергов-тезкор гуруҳи билан мунтазам алоқа қилади, унга зарурий ёрдам кўрсатади, бу гуруҳдан келадиган ахборотнинг текширилишини ташкил қилади, криминалистик ва тезкор ҳисоблар бўйича ахборотни текширади;
- ❖ ҳодиса тўғрисида ички ишлар органи раҳбариятига хабар қилади.

Ҳодиса содир бўлган жойга чиққанда терговчи ва кинолог мумкин қадар хизмат кийимида бўлишлари лозим.

Тергов-тезкор ходимлари ҳодиса содир бўлган жойга биринчи бўлиб етиб келишганида қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишлари, яъни



жабрланувчиларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишлари, жиноят ҳаракатларини бартараф этишлари ва бу ҳаракатлардан келиб чиқадиган зарарни йўқ қилишлари, уни бартараф этиш борасида чора кўришлари, ҳодиса содир бўлган жойни кўриклашлари, зарур бўлса бунга жамоат вакилларини жалб қилишлари ёки қўшимча кучларни чақиришлари, ҳодисани ўз кўзи билан кўрган шахсларни аниқлашлари, **жиноятда** гумон қилинган шахсларни ушлаш чораларини куришлари, барча олиб борилган ишлар тўғрисида навбатчига баён қилишлари лозим бўлади.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришга тайёргарлик кўриш жараёнида бир қанча ишлар амалга оширилиши керак. Жумладан, ҳодиса содир бўлган жой терговчи ва тезкор-тергов гуруҳи келмасданок кўриқланиши лозим ва улар бу жойга етиб келгандан сўнг ҳам кўриқлаш ишлари олиб борилади. Бунинг учун ҳодиса содир бўлган жойга нотаниш одамларни яқинлаштирмаслик зарур. Шу билан бирга, ҳодиса жойида бўлган мулкни, ҳолатни ва изларни сақлаб қолиш керак, чунки бундай ҳаракатлар жиноят изларининг сақлаб қолинишига шароит яратади. Қурол, гильзалар ва бошка предметлар ҳамда (ёмғирдан ёки қордан) бўзилиб қолиши мумкин бўлган изларни бирор-бир нарса билан ёпиб қўйиш тавсия қилинади. Ёпиб қўйиладиган изларни кимёвий моддалар сақланган идишлар ёки ўткир ҳидга эга идишлар (совун, тамаки сақланадиган идишлар ва ҳоказо) билан бекитиш тавсия қилинмайди, чунки уларнинг ҳиди объектда бўлган ҳидга таъсир этиши ва уни йўқ қилиши мумкин ва тегишли одорологик тадқиқотда бу объектдан ҳақиқий жиноят вақтида қолдирилган ҳидни олиш қийин кечади. Хизмат ити тегишли ҳидга эга бўлган изни ололмайди. Кўриқлашга мўлжалланган жой беркитилиши ва унга олиб борувчи йўллар ва чиқишлар назорат остида бўлиши лозим.

Ёнғин натижаларини бартараф этиш чоралари кўрилиши. авариялар, автомашинанинг одамни уриб юбориши ҳоллари, уларнинг ўзаро тўқнашиши каби ҳолатларни аниқлаш лозим.

Ҳодиса жойидан ахборотга эга барча шахслар, яъни жабрланувчилар, ҳодисани ўз кўзи билан кўрган шахслар, жиноятни биринчи бўлиб сезган ёки моддий жавобгар шахслар объектнинг раҳбарлари аниқланиб, уларнинг барчасидан тушунтириш хати олинади.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш пайтида ҳолисларни жалб қилиш лозим. Уларни таклиф этиш масаласини жойга чиқишдан аввал ҳал қилиш лозим. Одатда ҳолислар (улар икки нафардан кам бўлмаслиги керак) маҳаллий



халк ичидан танланади. Агар ҳодиса жойи турар жойлардан, қишлоқлардан ўзоқда ёки кўздан кечириш тунда ўтказиладиган бўлса, у ҳолда яқин атрофда истикомат қилувчи шахслардан ҳолис танлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳолислар ишнинг қандай натижа беришидан манфаатдор бўлмасликлари керак. Ҳолисларни танлашда хатоликларга йўл қўймаслик лозим. Ҳодисани биринчи бўлиб аниқлаган, ўз кўзи билан кўрган шахслар, жабрланувчиларнинг танишлари ва қариндошларини, вояга етмаган шахсларни ҳолис сифатида жалб этиш мумкин эмас. Баъзи ҳолатларда агар ҳолислар маълум билимларга эга бўлсалар, бу ишга ижобий таъсир қилади. **Масалан**, авария жойини кўздан кечиришда, агар ҳолислар технологик жараён билан таниш бўлсалар, улар терговчининг эътиборини муҳим ҳолатларга қаратишлари мумкин. Ҳолисларнинг қонуний ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади. Зарур ҳолларда, улар тергов ҳаракатида олинган маълумотларни овоза қилмаслик тўғрисида огоҳлантириладилар.

Кўздан кечириш вақтида тергов-тезкор гуруҳининг барча аъзолари иштирок этадилар. Уларнинг ҳар бири ўзининг билимлари ва кўриқнинг вазифаларига асосланиб, ишга баҳо берадилар. Ҳодисани биринчи аниқлаган шахслардан сўров олганда, ҳодиса содир бўлган жойда (қандайдир бир ҳодиса жойига) ўзгаришлар киритилганми ёки йўқми, бирор объектга тегилганми ёки йўқми, буларнинг барчасини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Шундан сўнг ҳодисанинг жиноятдан сўнгги ҳолати тикланади ва кўздан кечирилади.

Тайёргарлик пайтида ва ҳодиса жойини кўздан кечиришда терговчи ва тергов-тезкор гуруҳи қатнашчилари ишлаш жараёнида ҳомаки ёзувлар, чизмалар, матнлар тўзадилар. Керакли криминалистик техник воситаларни тайёрлаб қўядилар.

Ҳодиса содир бўлган жойга боришда у ерда катнашувчиларнинг таркиби тўғрисидаги саволни ҳал этиш, уларга йўл-йўриқ кўрсатиш масалалари, бошқа ташкилий ва техник чораларни ўтказиш тергов ҳаракатининг сифатли ўтказилишини таъминлаб беради.

Кўздан кечиришнинг бошқа босқичларида тезкор ходимлар терговчи билан келишув асосида тезкор-кидирув чораларини амалга оширадилар (масалан, хизмат-кидирув итидан фойдаланиш, қочиб кетган жиноятчини «иссик изларидан» қувиш ва хоказо).

Кўздан кечириш ҳаракати (ишчи босқич) умумий ва деталли кўздан кечиришдан иборат. Умумий кўздан кечириш босқичида бир нечта вазифалар ҳал этилади. Жумладан, ҳодиса содир бўлган жойнинг умумий ҳолаги билан



танишиб чикилади. Бунда ҳаракатнинг барча қатнашчилари иштирок этадилар, ходиса жойи ва унинг шароитлари билан танишиб, маълум тушунчага эга бўладилар, Ходиса жойининг географик (территориал) ўрни аниқланади. Унинг аҳоли яшайдиган ҳудудларга, шоссе ва темир йўлларга яқинлиги, одамлар тўпланадиган манзилларга нисбатан жойлашуви муайянлаштирилади. Хонада эса унинг кучага, хонадонга, маълум каватга нисбатан жойлашуви, кириш ва чиқиш жойларининг ҳолати, ойналарнинг сони ва уларнинг жойлашуви, кўмакдош хоналарнинг борлиги аниқланади. Шунингдек, ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш дастури белгиланади. Бу дастур ҳодисанинг таърифига, муайян тергов ҳолатига, кўздан кечириш шароитларига қараб, кун ва тун соатларига, об-ҳаво шароитларига, ёруғлик қоронғулик ҳолатларига, кўриш ҳажмига, тергов гуруҳи таркибини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар :**

1. Абдурасулова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари: Монография. –Т.: ТДЮИ, 2005. 231–б.
2. Абдурасулова Қ.Р., Зокирова О. Криминология: Ўқув-услубий кўлланма. –Т.: ТДЮИ, 2003. 77–б.
3. Қ.Абдурасулова, С.Ниёзова, Н.Курбонов. / Масъул муҳаррир: О.Зокирова. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. 63– б. Абдурасулова Қ.Р. Криминология: Дарслик. – Тошкент.: ТДЮИ, 2008. 93–б.
4. Алексеев А.И., Герасимов С.И., Сухарев А.Я. Криминологическая профилактика: теория, опыт, проблемы. – М.: Норма, 2001. 496–с.
5. Антонян, Ю. М. Преступление и наказание. Криминологопсихологический анализ: монография / Ю. М. Антонян, В. Е.